

ISSN 2091 – 5616

AGRO ILM

6(38)-SON, 2015



А.АХАТОВ. Шўртоблашган гидроморф тупроқларда қўлланилган мелиорантларнинг сингдириш сифими ва сингдирилган асослар таркибига таъсири	51
А.ЖУМАНОВ, С.САФАЕВ, Ж.БОЙКУЛОВ. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш	53
И.МАХМУДОВ, Н.МУРАДОВ, У.САДИЕВ. Численная реализация гидравлической модели влагопереноса в гидроморфных почвах	55
Э.ТОШМАТОВ, Т.МАВЛАНОВ. Напряженно-деформированное состояние призматических слоистых элементов гидротехнических сооружений	57
Ю.КЕНЖАЕВ, Р.ОРИПОВ, А.САНАҚУЛОВ, А.БЎРИЕВ. Қисқа навбатли алмашлаб экишда кўкат ўғитларнинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири	59
М.БОТИРОВ. Интенсив навбатлаб экиш тизимида беда етиштиришнинг тупроқ физик хоссалари ва пахта ҳосилига таъсири	60
О.ЭРГАШЕВ, Х.ТУЛАЕВ, А.ЗОХИДОВ. Ноанъанавий минерал хомашёлар ва тупроқ агрофизикаси	62
Б.НИЯЗАЛИЕВ. Қизилқум фосфоритлари асосида тайёрланган органоминерал компостларни тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор миқдори ва ўсимлик қуруқ массаси ҳамда пахта ҳосилига таъсири	63

ЧОРВАЧИЛИК

А.АБДУСАТТАРОБ, Ф.ХУДОЁРОВА. Синтетик химиотерапевтик препаратларнинг микробларга қарши таъсири	64
В.ГАЙБНАЗАРОВ, О.КУТЛИЕВ, Б.БОЙБУЛОВ. Йирик шоҳли қорамоллар ва уларнинг сўт маҳсулдорлиги	66
А.АТА-КУРБАНОВ. Показатели иммунобиологической реактивности каракульских овец и их использование для контроля жизнеспособности	67
М.ИСМАИЛОВ, Ж.ИБРАГИМОВ. Чўл ресурсларидан оқилон фойдаланишда қоракўл қўйлари ни яйловда сақлаш мезонлари	69
Ў.РАСУЛОВ, Ф.ИСЛАМОВ. Қорамолларни тейлериоздан даволашда «Зикурат»нинг самарадорлиги	70
Б.НАСИРИЛЛАЕВ, М.ХАЛИЛОВА. Тут ипак қурти уруғчилигида жинси нишонланган зотлар иштирокидаги янги саноатбоп дурагайлар яратишнинг истикболлари	72
С.СОБИРОВ, Н.РАЖАБОВ, Н.АВДУҚАЮМОВА, Ш.БОЙКЎЗИЕВА, К.ВОБОМУРОВОДА. Ипак қурти нозематоз касаллигининг наслдан-наслга ўтиши	73

МЕХАНИЗАЦИЯ

А.РОСАБОЕВ, О.ЙЎЛДОШЕВ. Такомиллаштирилган қурилмада уруғларни саралаш	74
-------------------------------------------------------------------------------------	----

И.ТЎЛАНОВ, Ҳ.СОЛИЕВ, С.ТЎРАЕВ. Юқори манёврли чопиқ трактор-макети билан агрегатланган универсал рама асосида йиғилган 8 қаторли сеялка-макетининг иш кўрсаткичларини маккажўхори уруғини экишда ўрганиш натижалари	76
С.УСАРОВ, А.МИХАЙЛОВСКИЙ. Эффективность работы устройства для снижения потерь хлопка на землю	78
Н.ДЖУРАЕВА, Ш.ИМОМОВ. Описание модели процессов взаимодействия грунта с движущимся в нем осесимметричным телом	79
Б.КУШИМОВ. Техническое средство для сушки семян пустынных кормовых растений	81

ИҚТИСОДИЁТ

А.ЮЛДАШЕВ, А.МУХТОР В, Ф.ИСОМИДДИНОВ. Глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари	83
В.МЎМИНОВ, А.ҲАМДАМОВ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш	84
А.БАХРИДДИНОВ, И.ВОЛТАЕВ. Аграр соҳада корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш имкониятлари	86
Б.ИСРОИЛОВ, Ф.УМАРОВ, Б.ИБРАГИМОВ. Солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти	88
Ш.АЗИЗОВ. Деҳқон хўжаликларида қўшилган қиймат яратиш йўналишлари	89
О.ШЕРМАТОВ, М.ҚОБУЛОВА. Фермер хўжаликларида рақобатдош маҳсулотлар етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари	90
Ч.РИЗАЕВ. Сув истеъмолчилари уюшмаларини молиялаштиришдаги муаммо ва ечимлар	91
И.ПРАТОВ, Д.ИСРАИЛОВА. Асосий воситаларни гуруҳлаш ва уларнинг қорхона фаолияти самарадорлигига таъсири	92
А.НУРИДДИНОВ, И.ЮЛДАШЕВА. Бухгалтерия ҳисобининг концептуал асослари	94
Х.БЕРДИБЕКОВ, Е.ВАКИРОВ, А.УСЕРБАЙ. Кооперование сельскохозяйственного производства — основной фактор отдачи орошаемых земель	95
Ш.МУРОДОВ. Зарубежный опыт интегрирования и кооперирования в сельском хозяйстве ..	97

ХОТИРА

Агрокимё фанининг фидойиси	99
----------------------------------	----

ЯНГИ НАШРЛАР

Илмий ижод: моҳияти, унсурлари, тавсифлари ..	100
-----------------------------------------------	-----

Вариантларни 0-30 см хайдалма қатламнинг мелиорантлар таъсирида ўзгариши

Тупроқ номи	Вариантлар	Асослар йигиндисига нисбатан Na катионини ўзгариши, %		Назорат вариантга нисбатан ўзгариши, %	
		1-йили	2-йили	1-йили	2-йили
Суғориладиган бўз-ўтлоқи	Назорат	19,04	19,04	-	-
		23,63	23,63	-	-
	Гипс	18,17	17,30	4,57	9,14
		22,87	22,87	3,22	3,22
	Лигнин	16,71	16,15	12,24	15,20
		21,88	21,88	7,41	7,40
Гўнг	18,41	15,16	3,30	20,37	
	21,91	21,91	7,30	7,30	

миқдорини ўзгаришини 2-жадвалдан кўриш мумкин. Қўлланилган мелиорантларни (гипс, лигнин, гўнг) кейинги йиллардаги таъсири натижасида тупроқ сингдириш комплексида содир буладиган алмашиши реакцияси туфайли эритмага чиққан натрий катиони миқдори (9,14, 15,20, 20,37%), тупроқ шўртобланиш даражасини қисман пасайишига олиб келган.

Демак, шўртобланган гидроморф тупроқларга қўлланилган органик ва ноорганик мелиорантлар (гипс, лигнин, гўнг) таъсирида тупроқ шўртобланиш даражасини пасайишига олиб келишини юқоридаги натижалар унинг тасдиғидир.

Кейинги йилларда тупроққа гипс ва гўнг солинган вариантларда алмашиши реакцияси сезиларли даражада тезлашди. Айниқса, гўнг солинган вариантда унинг кейинги йилдаги таъсири ортганлигини кузатиш мумкин.

Сингдириш сифимидаги натрий катиони назорат вариантга нисбатан мелиорантлар қўлланилган ҳолларда унинг

таъсиридаги таъсири ортганлигини кузатиш мумкин.

А. АХАТОВ,

Тошкент ирригация ва мелиорация институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ахатов А. Суғориладиган гидроморф тупроқларнинг сингдириш сифими ва сингдирилган асослар таркибининг ўзгариши // Республика илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. ТошДАУ. Т.: 2008, 155-158 б.
2. Безбородов Г.А., Безбородов Ю.Г. Солонцовые свойства орошаемых почв Узбекистана // Узбекистон Аграр хабарномаси. №2 (24). Т.: 2006.
3. Виленский Д.Г., Почвоведение. "Учпедгиз". М.: 1975.
4. Рамазонов С., Юсупбеков О. Почвоведение и земледелие. Т.: 2003.
5. Рузметов М.И. Изучение и оценка современного мелиоративного состояния орошаемых почв Хорезмской области и разработка мероприятий по их улучшению // автореферат канд. биол.наук, Т.: 2003.

УЎТ: 332.34:626.81 (571.1)

ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Дунё аҳолисининг қарийб 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмайдиган жойларда яшайди. 2025 йилга келиб, ҳар 10 кишидан 6 нафари ёки 5,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик суви танқис ҳудудда яшаши мумкин. Ушбу муаммо бизнинг минтақамиз учун ҳам долзарбдир. Маълумки, Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг сувга бўлган талаби асосан трансчегаравий дарёлар-Амударё ва Сирдарё ҳисобига қондирилади. Кузатишларга қараганда, 2020 йилга бориб иқлим ўзгариши, глобал ҳароратнинг ошиши туфайли мазкур дарёларни сув билан таъминлаётган музликлар захирасининг 15—20 фоизга камайиши кутилмоқда. Тоғ музликлари ҳажми йилига 0,2—1 фоиз атрофида камайиб бораётгани, тоғ дарёлари ҳавзаларида қор захиралари тобора қисқараётгани фикримизнинг исботидир. Иқлим ўзгариши туфайли минтақамизда ёз фаслига хос давр чўзилади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш метёри 2030 йилга бориб 5 фоизга, 2050 йилга бориб 7—10 фоизга ва ниҳоят 2080 йилга бориб ҳозиргидан 12—16 фоизга ошади. Бинобарин, табиатга муносабат, жумладан, сув ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш янада муҳим масалалардан бирига айланади.

Ернинг жамиятдаги аҳамияти беқиёсдир. Унда фуқаролар яшаши учун бинолар қурилади, турли маҳсулотлар етиштирилади. Демак, ернинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги аҳамияти улкан. Чунки у шу тармоқнинг энг

асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Ерга уруғ, кўчат экиб, ишлов бериш натижасида турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади. Демак, тармоқда етиштириладиган барча турдаги маҳсулотлар ердан, сувдан фойдаланган ҳолда олинади.

Республикамиз деҳқончилиги суғоришга асосланган. Шунинг учун сув ҳам ер каби энг зарур восита ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигидан олинаётган маҳсулотлар, масалан, пахта, шולי, тамаки, сабзавот, полиз, маккажўхори, бугдой, арпа, ем-хашакларнинг аксарият қисми суғориладиган ерларда етиштирилади. Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ялли маҳсулотнинг 95 фоизга яқини суғориладиган ерлардан олинади.

Шулар билан биргаликда иқтисодий унумдорлигини ошириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашни таъминловчи тадбирларни комплекс амалга ошириш муҳим муаммо ҳисобланади.

Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер-сув муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ер ва сувнинг баҳолари ва уларни фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реалроқ аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисоди қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ва сув ресурсларининг чек-

ланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати сифати, истемолчиларига узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот фойда суммаси каби индикаторларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Ер ва сувдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун

— ер-сув ислохотларини қонун асосида яхши ўтказиш; Уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш,

— захланиб, шўрланган ерларда ирригация-мелиорация тадбирларини вақтида, сифатли амалга ошириш;

— янги, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

— илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни қўллаш;

— экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;

— селекция, уруғчиликни, агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш;

— ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлмаган масалаларни хал этиш,

— ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш ва эркинлаштириш лозим.

Сув ресурсларига бўлган эҳтиёжни бошқаришни яхшилаш, қишлоқ хўжалигида сувдан унумли фойдаланиш, суғориш тармоқларини мунтазам равишда ишлаб турадиган ҳолатда сақлаш, шунингдек, тез кўпайиб бораётган аҳоли учун етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини ўзгартириш, айниқса қишлоқ жойларда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш учун ҳосилдорликни ошириш ҳамда сувни тежаш мақсадида лалмикор деҳқончиликни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалигида юз бераётган аксарият экологик муаммолар, яъни ерларни ҳолатини ёмонлашуви, суғориш сувларининг ифлосланиш ёки заҳарланишни қишлоқ хўжалигида экинларни нотўғри ва илмий асосланмаган ҳолда суғориш оқибатда юзага келмоқда. Маълумки, Ўзбекистонда фақатгина 10—12 фоиз суғориш сувлари ички манбалар ҳисобига ва қолган 88—90 фоизи эса ташқаридан Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикасидаги дарё ва кўллар ҳисобига шаклланади. Татқиқлаш жонски, сўнги йилларда ташқи манбалардан сув олиш масаласи жуда мураккаб бўлиб бормоқда ва ҳатто давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Анъанавий суғорма усулларида каналдан то ички хўжалик зувурларига келгунга қадар сувнинг 40 фоизи, эгатлаб суғоришда яна 30 фоизи сув йўқолади. Шуларни ҳисобга олиб, сув ресурслари тақчиллиги сезилаётган ҳозирги шароитда сувни тежаш сарфлаш, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омилларидан бири ҳисобланади.

Суғориш усуллари энг аввало маҳаллий, табиий ва хўжалик шароитларига мувофиқ бўлиши лозим. Қадимдан қўлланилиб келинаётган чуқур, қисқа жўяклар орқали суғориш тупроқнинг бир текс намиқшини, сувнинг тупроққа тезда сингишини таъминлайди, тупроқнинг табиий унумдорлигини узоқ вақтгача сақлайди. Бунга сабаб суғоришда сув

катта оқимда жўякларга оқизилади. Сув, ўғит ва тупроқ даладан чиқиб кетмайди. Экинлар парваришининг механизациялаштирилиши натижасида узун эгат орқали суғоришга ўтилди. Оқовага чиқариб суғориш зарурати туғилди. Натижада сув эрозияси жараёнлари вужудга келди, ўғитларнинг анчагина қисми ташлама сув билан даладан чиқиб кетадиган бўлди ва тупроқ унумдорлиги пасая бошлади.

Экинлар катта ҳажмда суғорилиши оқибатида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди. Шу сабабли турли суғориш усулида экинларнинг сувга бўлган талабини аниқлаш долзарб бўлиб қолмоқда. Экинлар катта метёрларда суғорилиши оқибатида сизот сувларининг кўтарилиши эса иккиламчи шўрланишга олиб келмоқда.

Юқоридагиларга асосланиб пуштага экилган экинларни эгатлаб суғоришнинг дискрет усулини қўллаш самарали эканлигини ҳаёт кўрсатди.

Суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда маҳсулот етиштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида кўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

— худудларнинг табиий-иқлим шароитларига мос навларини танлаб экиш ва шу жойларда уруғчиликки ихтисослашган фермер хўжалиklarини ташкил этиш ҳамда талаб ва тақлиф қонунининг амалдаги татбиғини кучайтириш;

— жойларда ерни экишга тайёрлаш, экинни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиштириб олиш, саралаш ва қadoқлашгача бўлган жараёнларни механизация даражасини кўтариш учун имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда солиқ имтиёзларини кенг жорий этиш;

— қишлоқ хўжалигига илмий техника тараққиёти натижаларини кенг жорий этиш;

— қишлоқ хўжалиги экинларини суғурталаш механизмини жорий этиш.

Сув ресурсларининг оқова сувлар саноат ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиб, буғланиб ва заҳарланиши натижасида сифатининг бузилаётгани мамлакат хўжалигига ва иқтисодиётига жуда катта ижтимоий ва иқтисодий зарар келтирмоқда. Ундан ташқари, бу манбалардаги ифлосланган сув коммунал-хўжалик, саноат сув таъминоти ва суғориш учун яроқсиздир. Республикамизда ҳозирги кунда сувдан нотўғри фойдаланишнинг олдини олиш, уни бефойда ва беҳуда сарфини бартараф қилиш, муҳофаза қилиш ва сув тозалигига катта эътибор беришга ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши мақсадга мувофиқдир.

А.ЖУМАНОВ,
изланувчи,

С.САФАЕВ,
Ж.БОЙҚУЛОВ,
талабалар
(ТИМИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси», «Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами», Т.Шарқ, 2002.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси», Т.Адолат, 1996
3. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси», Т.Адолат, 1995
4. Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги 2004 йил 26 августдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун, «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 15 октябр
5. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Банклар томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.«Ўзбекистон», 2002 йил